

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Ҳайдаров</b> Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b> Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b> Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b> Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b> Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b> Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b> Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b> “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b> Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи .....	144
<b>Н. Умарова</b> Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
<b>Г.Розиқова</b> “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши .....	155
<b>А.Базарбаева</b> Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b> Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b> Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b> Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши .....	172
<b>Б.Сулаймонов</b> «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b> Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари .....	180
<b>Г.Саидова</b> Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари .....	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов</b> Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	
---	--

УДК:

## ТУРКИСТОНГА ТАТАР “САФАРБАРЛИК”ЛАРИ ХУСУСИДА

## О ТАТАРСКОЙ "МОБИЛИЗАЦИИ" В ТУРКЕСТАН

## ABOUT TATAR "MOBILIZATIONS" IN TURKESTAN

Р.Расулова<sup>1</sup><sup>1</sup>Р.Расулова

ЎзМУ, Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси докторанти.

## Аннотация

Мақолада Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўлка халқлари тили, дини, маданиятига муштарак бўлган татарлар “сафарбарлиги”дан фойдаланганлиги ёритилган. Татарлар дастлаб совет ҳокимияти бошқарувини мустаҳкамлаш мақсадида жўнатилган бўлса, кейинчалик, яъни 1921-1923 йиллари Волгабўйидаги юз берган очарчилик туфайли оила аъзоларини, қариндош-уруғларини ва ҳатто ҳамкасбларини ҳам турли баҳоналар билан Туркистонга чақириб олганликлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Марказ совет ҳокимияни мустаҳкамлаш учун татарлардан “кадрлар таъминоти”да, хусусан бошқарув тизимида ва ҳарбий-сиёсий муносабаларда ҳам унумли фойдаланганликлари таҳлил қилинади.

## Аннотация

В статье раскрываются факты использования "мобилизации" татар, для укрепления советской власти в Туркестане, разделявшими с народами края общий язык, религию и культуру. В статье также указывается, что татар первоначально отправляли для усиления советской власти, но позже, в 1921-1923 годах, из-за голода в Поволжье, они приглашали членов семьи, родственников и даже коллег в Туркестан под различными предлогами. Было проанализировано, что Центр эффективно использовал татар в "кадровом обеспечении" и в системе управления и военно-политических отношениях для укрепления Советской власти.

## Annotation

The article reveals the facts of using the "mobilization" of the Tatars to strengthen the Soviet power in Turkestan, who shared a common language, religion and culture with the peoples of the region. The article also States that the Tatars were initially sent to strengthen the Soviet power, but later, in 1921-1923, due to the famine in the Volga region, they invited family members, relatives and even colleagues to Turkestan under various pretexts. It was analyzed that the Center effectively used Tatars in "personnel support" and in the management system and military-political relations to strengthen the Soviet power.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Татар сафарбарлиги”, татар, Туркистон, Россия, социалистик жамият, Туркистон маркази ижроия кўмитаси, очарчилик, ҳарбий-сиёсий бошқарув, большевиклар, татар бригадаси

**Ключевые слова и выражения:** «Татарская мобилизация», татарский, Туркестан, Россия, социалистическое общество, Туркестанский центральный исполнительный комитет, голод, военно-политическое управление, большевики, татарская бригада

**Keywords end expressions:** "Tatar mobilization", Tatar, Turkestan, Russia, socialist society, Turkestan Central Executive Committee, famine, military and political administration, Bolsheviks, Tatar brigade

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида кўплаб муаммолар қаторида миллатлараро муносабатлар ҳам холисона ёритилмади. Хусусан, Туркистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар тарихи ҳам сохталаштирилди. Бу ҳолат совет тарихшунослигига хос бўлиб, унда асосан Туркистон аҳолисининг асрий қоқоқликдан “тараққиёт чўққисига” Россия олиб чиққанлиги таъкидланган. Лекин тарихий тадқиқотларда Россиянинг Туркистонда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик манфаатлари борлиги очиқ-ойдин баён этилмади. Шунингдек, Марказнинг “кадрларни сафарбарлик қилиш” сиёсатининг маълум бир қисми, аслида очарчилик бошланаётган Волгабўйидан Туркистонга жойлашиб, амалда “жон сақлаш” ҳолатлари ҳам бир томонлама талқин этилди.

Совет ҳокимияти Туркистонни “қўлда чиқармаслик” ҳаракатида, бошқарувнинг дастлабки йилларида ўлкада большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлашни муҳим вазифа деб белгилади. Большевиклар мазкур масала ечимида Туркистон халқлари тили, маданияти, дини билан муштарак бўлган татарлардан “унумли” фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Марказ шу мақсадда татарларни янги жамият, “социалистик тузумга фидойи” қатламидан, “шарқда инқилоб, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш яловбардорлари”дан Туркистонга, унинг бошқарув тизимида сафарбар қилиш катта аҳамиятга молик деб ҳисоблади. Чунки татарлар ерли халқлар билан тез “тил топишиб” кетиши мумкин эди. Янги жамият бошқарувида бу катта аҳамият касб этарди.

Боз устига Шарқда “инқилоб ғалабаси”га жон куйдирганлар орасида татарлар алоҳида “ғайрати” билан ҳам ажралиб турарди. Улар турли даражадаги анжуман ва қурултойларда совет ҳокимиятини қўллаб-қуватлашларини билдиришлари билан бирга, Шарқда истиқомат қилаётган туркий халқларни, мусулмон аҳолисини ҳам “инқилоб” лаштириш тарафдори эканликларини изҳор этардилар. Татарларда ўзини Шарқда “порлоқ жамият” қуришга интилиш ва бу борада турк-мусулмон халқлари орасида етакчилик ҳиссиёти анчагина кучли эди. Марказдаги большевиклар учун Шарқда ҳокимият тизимини мустаҳкамлашда, бошқарув тизимини шакллантиришда, жойларда совет ҳокимиятини барқарорлаштиришда ерли халқлар тили, дини, маданиятини яхши биладиган татарлардан фойдаланиш муҳим ва амалий аҳамиятга эга эди. Татарлар, аниқроғи уларнинг етакчлари ҳам Россия турк-мусулмон халқлари ичида “яловбардормиз” деб ҳисоблаганлар ва бунга ўзлари ҳам ишонганлар. Марказ ўз олдида бундай татарлар “фаоллиги”дан инқилоб манфаатларида, улардан Туркистон ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ташкилий масалаларда, бошқарувда фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топди [1,720].

Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасида татарлардан бошқарув тизимида, шарқни “инқилоблаштириш”, Туркистон халқини “фаровон жамият қуришга” жалб этишда фойдаланиш вужудга келган социалистик жамият қуришдаги энг муҳим вазифалардан бири эди. Марказ татарлардан нафақат “саводсизликка барҳам” беришда, балки Туркистондаги партия ва совет бошқарув тизимини мустаҳкамлашда ва ҳарбий-сиёсий бошқарувда ҳам фойдаланишга киришди. Бу борада Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги томонидан Ю.Иброҳимов ва О.Клевлеевларни 1918 йилда катта ваколатлар билан Туркистонга сафарбар қилингани юқоридаги қайд этилган фикрларга асос бўла олади [2,130]. Албатта, ўлкага Марказдан бошқарув тизимини мустаҳкамлашга татарларни юбориш ҳам “шунчаки бехосдан” бўлмай, бу узоқни мўлжалланган ҳарбий-сиёсий вазифалардан бири эди. Боз устига Туркистон раҳбарияти, аниқроғи И.О.Тоболин томонидан РСФСР миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигига 1918 йил 25 мартда “...махсус тарзда... ички Россия мусулмон ишлари юзасидан битта

комиссарни юбориш, уни тўлиқ йўл-йўриқлар билан таъминлаш” бўйича юборган телеграммаси бунга асос бўлиб хизмат қилган [3,199]. Кўриниб турибдики, Туркистон халқлари тили ва динини, руҳиятини яхши биладиган ва айни пайтда Марказ “талабларидан четга чиқмайдиган” татар миллатига мансуб Ю.Иброҳимов ва О.Клевлеевни сафарбар қилиниши, амалда ўлкада совет ҳокимиятининг бошқарув тизимини Марказ вакиллари томонидан “назорат қилиш”га қаратилган эди.

Туркистон бошқарув тизимида Марказдан кадрлар сафарбарлиги 1918 йилдан кенгроқ амалга оширила бошланди. Тўғри, совет ҳокимиятини дастлабки ойларида “кадрлар сафарбарлиги” пала-партишлиги, амалда Туркистон халқлари тили, дини, тарихи, руҳиятини билса-ю билмаса ҳам юборишга қаратилган бўлса-да, аста-секин бу тартибга ўзгартиришлар кирита бошланди. Хусусан, 1918 йил охири-1919 йил бошларидан Туркистон бошқарув тизимида сафарбарликда “миллийликка”, аниқроғи уларни ўлка халқи тили, дини, маданиятидан бохабарлигига эътибор қаратила бошланди.

Эндиликда, Туркистонга совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, бошқарувида тизимли, Марказ манфаатларига мос равишда фаолиятга йўналтирилган кўплаб, “мақсадли сафарбарликлар”да, мумкин қадар татар кадрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ҳолат, яъни бошқарув тизимида “татарлар сафарбарлиги” жараёни 1919-1920 йиллардан кўпроқ кўзга ташланади. Хусусан, Марказдан Туркистонга татарлар сафарбарлиги маълум даражада “оммавий тус” олган ҳолатлари ҳам бор. Масалан, 1920 йил август ойи бошларида Волгабўйи, Уралолди губернияларида истиқомат қиладиган 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган татар коммунистларининг умумий сонидан 5 фоизини Туркистонда ишлашга сафарбар қилишга қарор қилинган. Аммо шунинг таъкидлаш жоизки, Туркистон бошқарув тизимида, совет ҳокимиятини ўлкада мустаҳкамлашга қаратилган “татарлар сафарбарлиги”ни Марказ ўз назоратидан чиқармасликка ҳаракат қилган. Бунинг учун биринчидан, Россия Федерацияси субъектлари, хусусан жойлардаги татарларни Марказ билан келишмай сафарбар қилмасликлари, “ўзбошимча сафарбарликка” йўл қўймасликлари керак эди [4]. Иккинчидан, Марказ Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларига сафарбар қилинаётган

татарларни тегишли “йўл-йўриқларсиз” юбормаслик тизимини киритган эди. Хусусан, “татарлар сафарбарлиги” Марказ орқали, “Шарқ” шароитида нималарга эътибор бериш ёки бермасликка оид “Йўриқнома”ни олгандан кейингина тегишли “Йўлланма”га эга булганлар. Ана шундай Марказ йўриқномаси асосида Москва орқали Туркистонга сафарбарликка юборилган Волгабўйи губерниялардаги татарлар қаторида Гимдетдинов, А.Яфаров, В.Мухадисов, Х.Пельфанов, З.Бикбоев, Р.Ахунзинов, К.Зиатдинов, С.Соловатов, М.Султанов, Ф.Х.Заитова, Ф.А.Исимбетова, З.А.Сагиров, К.Рахманкулов, М.Х.Шамсутдинов, Ашраф, Мустафин, Зарипов, Назиров, М.Х.Гузаиров, Г.Баширов, Х.Тагиров, А.В.Киреев, Ахметшин, М.Ахметзянов, Х.Гелюфатов, А.Давлетбаев ва бошқалар ҳам бор эди. Умуман олганда, Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида “совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш”, “янги жамият қуриш”га йўналтирилган, асосан бошқарув тизимига мўлжалланган “татар кадрлар сафарбарлиги” бўйича 1920 йил август ойининг ўзида Қозон губкоми йўлланмаси билан 100 нафарга яқин кишилар ўлкага юборилган. “Татарлар сафарбарлиги” 1920 йил сентябрида ҳам давом этиб, бу 1920 йил 1 ноябрига қадар 201 нафарни ташкил қилган. Ўз навбатида Туркистон АССР, БХСР, ХХСРда татарларни турли жабҳаларда, асосан бошқарув тизимида иш билан таъминланган [5,56-57]. Аммо бу “татар сафарбарлик”лари, юқорида қайд этилганидек ўз “йўл-йўриқлар”га эга бўлган. Хусусан, бу борада РКП(б) МҚ “татар сафарбарлиги” бўйича жойлардаги мутасадди раҳбарлар диққатига “ Шарқ халқлари ичида ишлаш” бўйича сиёсий йўриқнома – кўрсатма хатида, уларни огоҳликка чақириб, “татар миллатчилиги ... буржуазия” ҳукмронлигига олиб келиши мумкин... мусулмонлар оммасини ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳаракатига хайрихоҳлик совет тизими доирасида бўлиши кераклиги”ни қайд этиш билан бирга, жойлардаги турк-мусулмон кадрларига қарата “алоҳида мусулмон совет республикалари Россия Федерацияси билан узвий ҳарбий-иқтисодий бирлашмаган ҳолда яшай олмасликлари” ҳам уқтириб ўтилган [6,217].

Волгабўйи ва Туркистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий алоқаларда Шарқ халқлари коммунистик ташкилоти марказий бюроси (ШХКТ МБ) ҳам муҳим аҳамият касб этган. ШХКТ МБ Волгабўйи татарларини Туркистон, Бухоро, Хоразм ҳудудларидаги партия ва

совет органлари, маданий-маърифий йўналишларининг асосан бошқарувда иш юритиш учун сафарбар қилиш билан шуғулланган. ШХКТ МБ ўз фаолиятида Туркистон ва Татаристон, Бошқирдистон, Қозоғистон, Кавказorti, Бухоро, Хива ва бошқа ҳудудлар ўртасидаги узаро алоқаларга таянган. Бунинг далили сифатида, 1919 йил ШХКТ МБ С.Муқимов, М.Мансуров, Х.Мухитдинов ва бошқаларни Туркистон ҳамда Бухорода “инқилоб ғояларини” маҳаллий аҳоли орасида тарғбот қилишга юборилганини кўриш мумкин [7,54].

“Татар сафарбарлиги” юқорида қайд этилганидек, Марказ томонидан мақсадли тарзда, жойларда “социалистик жамият қуриш”га қаратилганлиги аниқ. Албатта, бу жараён ўзига хос хусусиятларига, зиддиятларига ҳам эга эди. Туркистонга сафарбар қилинганларнинг маълум бир қисми ўз хоҳиш-иродаси орқали амалга оширилган бўлса, бошқа бирлари “шарқни уйғотиш иштиёқида” келганлар. Сафарбар қилинганлар орасида “хоҳиший-мажбурий” тарзда келганлар ҳам, йўқ эмасди. Аммо нима бўлганда ҳам, тарихий манбалар таҳлили шундан далолат берадики, ўлкага келган татарларнинг аксарияти, “порлоқ жамият” қурилиши кўзда тутилаётган, тенгликка асосланган, фаровонликлар ваъда қилинаётган “социалистик жамият”да ўз қардошлари бўлмиш ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқларни муносиб “ўрни” бўлишига умид қилганлар. Бу умид... йиллар давомида, совет ҳокимияти мустаҳкамлана бошлагач, ишончга айлана борган... Боз устига бу жараёнда татарлар ўзларини Россия турк-мусулмон халқлари орасида “янги қурилаётган жамият” яловбардори деб ҳисоблаганлар. Бу уларни Туркистон ўлкаси бошқарув тизимидаги илғор фаолияти билан ўз изоҳини топади. Таъкидлаш жоизки, Россиянинг марказий губернияларидан масъул лавозимдаги кадрларни Туркистонга келиши 1921 йилга қадар асосан ўлкада бошқарув тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, 1921 йилнинг иккинчи ярмидан “кадрлар сафарбарлиги”, амалда Волгабўйида бошланган озиқ-овқат тақчиллиги билан боғлиқ эди. Эндиликда, Марказ назарида, Туркистон Россиянинг марказий губерниялари, хусусан очарчилик ҳукм сураётган Волгабўйи ҳудудларидан фарқли ўлароқ, озиқ-овқатларга бой, ўзига тўқ ўлка ҳисобланарди [8]. Эндиликда Туркистонга сафарбарлик замирида, мазмун-моҳиятига кўра яна бошқа

тушунчалар, хусусан ўзини, оиласини, яқин қариндошларини очликдан келиб чиқадиган муқаррар ўлимдан қутқариш ҳиссиёти ҳам қўшилган эди.

1921 йилга келиб, Волгабўйидаги очарчилик борган сари аҳолининг кенг қатламини ўз домига тарта борди. Ҳар ҳолда, Туркистон эндигина, 1917-1919 йиллардаги очарчиликдан қутилиб, “оёққа тураётган” бўлса-да, Волгабўйидаги аҳволдан бир мунча яхшироқ ҳолатда эди. Шунинг учун бўлса керак, давр тақозоси, “татарлар сафарбарлиги” билан ўлкага келиб, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, бошқарув тизимида фаолият олиб боришга жалб қилинганлар, биринчи навбатда ўз оиласи ва қариндош уруғларини, кейин таниш-билиш, ҳамкасбларини Туркистонда яшашга, фаолият юритишга чақира бошлаганлар. Бунга турлитуман “баҳона ва сабаблар”ни рўқач қилганлар (соғлиғини тиклаш, оиласи билан бирлашиш, “шарқни уйғотиш” в.б. Р.Р.). Айтиш мумкинки, 1921-1923 йиллардаги сафарбарликнинг аксарияти очарчилик азобларидан қочиб, паноҳ топишга йўналтирилган эди. Таъбир жоиз бўлса, Туркистон 1921-1922 йиллари Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги партия ва совет органларида ишлайдиганлар учун ўзига хос “Нажот ўлкасига” айланган эди. Юқорида таъкидланганидек, Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга сафарбар қилинганлар у ёки бу лавозимларда ишлаш давомида озиқ-овқат тақчиллиги бошланиши арафасида ёки очарчилик йилларида ўз ҳамкасбларини, қариндош-уруғларини, таниш-билишларини ўлка бошқарувидаги “керакли кадр” сифатида ишлашга, яшашга турли баҳоналар билан чақириб олганлар. Хусусан, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ)да котиб бўлиб ишлаётган Юмакаев ўз ҳамюрти уфалик Мустақимов номига 1920 йил 23 октябрида телеграмма юбориб, ундан Туркистон МИҚ ихтиёрига келишини, бу жойда маълумотли ходимлар етишмаслигини, яшаш учун шароит яратиб берилишини таъкидлайди [9,322-323]. Аслида, Мустақимовнинг чақирилиши Туркистонда паноҳ топиши учун ёрдам эди, холос. Шундай қилиб, 1921-1923 йилларда Волгабўйи ҳудудларидан Туркистонга сафарбарлик режали ва режасиз тарзда жуда ҳам кўпайиб кетди. Бунга сабаб: бир томондан, Марказ Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлиб, ўлка ҳарбий-сиёсий бошқарувида ишлашга кадрларни юборган бўлса, иккинчи

томондан, Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги масъул ходимларнинг ўзлари очарчиликдан қочиб, Туркистондан паноҳ излашга тушиб қолган эдилар.

Волгабўйидаги очарчилик даҳшати одамларни нон топиш илинжида ўзига хос ўлкани ўрганишга қаратилган “илмий экспедиция”ларни уюштиришига ҳам ундаган. Агар дастлабки пайтларда илмий экспедициялар ҳақиқатдан ҳам Туркистонни янада чуқурроқ ўрганиш учун амалга оширилган бўлса, кейинчалик Туркистонни “илмий жиҳатдан ўрганиш” баҳонасида ўлкага келиш ва ўзлари, оилалари учун озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлашга ҳам ҳаракат қилганлар. Масалан, Бузлук халқ маорфи бўлими мудири 1921 йил 12 июнида Туркистон МИҚга мурожаат қилиб, ўлкани илмий жиҳатдан ўрганиш ва саёҳат қилиш учун 40 кишидан иборат экспедицияни Тошкент ва Самарқандга боришига рухсат беришни сўраган [10,376-377]. Лекин юбориладиган бу 40 кишилик экспедиция Туркистонни “илмий жиҳатдан ўрганишдан” кўра, кўпроқ озиқ-овқат масалаларига қизиқишлари ҳақиқатга яқинроқ эди. 1921-1922 йиллар Туркистонни ўрганиш учун келиб, “озиқ-овқат дастур”ини ҳам бажариш, яшаш шароити, ишлаш имкониятларини кўздан кечириш асл мақсади бўлган бундай “илмий экспедиция”ларнинг сони бир мунча ошиб кетди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Марказ совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш жараёнида татарлардан “кадрлар таъминоти”да, хусусан бошқарув тизимида, ҳарбий-сиёсий муносабаларда ҳам унумли фойдаланганлар. Ўз навбатида татарлар ҳам янги тузум “афзаллик”ларига ишонган ҳолда большевикларга сидқидилдан хизмат қилганлар. Шу ўринда, М.Султан-Ғалиев 1921 йил декабрида Туркистондаги ҳарбий қисмларда татарлар сони ва таъсир даражасига кўра жуда чуқур илдиз отишига улгурганлиги тўғрисида: “...Шарқий ва Туркистон фронтларида татар қизилармиячилари умумий таркибнинг ярмидан кўпини ташкил қилади, айрим жойларда улар 70-75 фоизгача боради... Ҳар бир татар қисмлари ўз тарихига эга... Биргина Қозоннинг алоҳида заҳирадаги батальони 70 дан ортиқ ротани Туркистон фронтига етказиб берган” [11,360] – деб ёзганини таъкидлаш жоиз. Бундан кўринадики, Марказ татарлар орқали ўз ҳарбий-сиёсий стратегияларини мустаҳкамлашга эришган. Татарларнинг ўзлари ва айниқса уларнинг М.Султон-

Галиевдек етакчилари, айнан Шарқда инқилоб ёйишда муҳим роль ўйнашига, туркий халқлар ҳам озодликка чиқишига, миллий камситишга барҳам берилишига, миллатлар ўз тақдирини ўзлари ҳал қилишига ишонганлар ва шунинг учун ҳам жонкуярлик билан инқилоб ғояларининг тарқалишида ўз ҳиссаларини қўшганлар [12,207-208, 215-224, 357-360, 368-373].

Большевиклар Туркистонда совет ҳокимияти бошқарувини мустаҳкамлаш учун Волгабўйи ҳудудларидан юборилган ҳарбий мутахасислар ва қурол-яроғлардан ҳам унумли фойдаланганлар. Бу ҳарбий қисмлар Туркистонга Каспийорти фронти жангларида қатнашиши учун 1918 йил июль ойининг иккинчи ярми ва август ойининг биринчи ярмида юборилган эди [13,69]. Бу борада 1920 йили Туркистонга юборилган ҳарбий-сиёсий “Татар бригадаси” ни мисол тариқасида келтириш мумкин. “Татар бригадаси” Туркистон ва Бухорода нафақат ҳарбий, балки сиёсий вазифаларни бажаришда, хусусан жойлардаги бошқарув тизимида ҳам фаол қатнашганлар. Албатта, “Татар бригадаси”нинг ҳарбий-сиёсий фаолияти Марказнинг хоҳиш-иродасига бўйсундирилган эди [14,165-167].

Умуман олганда, Марказ томонидан Туркистонга “кадрлар сафарбарлиги” ўзига хос, мураккаб ва айти пайтда зиддиятли жараёнларни ўз ичига олади. Хусусан, Россиянинг марказий губернияларидан татарлар дастлаб Туркистонга Шарқда

“инқилоб ғояларини” тарғиботи, совет ҳокимияти бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш, Марказнинг манфаатлари йўлида турли соҳаларни ислоҳ қилиш учун юборилган эди. Сафарбар қилинган кадрлар ўлкада ўзлари назарий тасаввурга эга бўлган жамиятни барпо этишга, совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга жалб этилган. Айти пайтда, “татарлар сафарбарлиги” кейинчалик, аниқроғи 1921 йил иккинчи ярмидан Волгабўйи ҳудудларидаги очарчиликдан қочиб, ўлкадан паноҳ излашга йўналтирилган эди. Аммо бу сафарбарликлар ҳам, татарлар томонидан “шарқни уйғотиш”, “инқилоб йўлида хизмат қилиш” каби қизил сўзлар билан қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, бу XX аср 20-йиллари бошида вужудга келган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятнинг маҳсули эди. Қолаверса, вужудга келган ҳолатдан Марказ Шарқни “инқилоблаштириш” йўлида Волгабўйи ҳудудларидаги татарлардан унумли фойдаланганлар. Натижада татарларнинг ўзлари ҳам “адолатли” жамиятдан кўплаб азоб чекканлар. Россияда озиқ-овқат тақчиллигидан қочиб Туркистонга келганлар, маҳаллий шарт-шароитини ҳисобга олиб-олмай, зўравонликка асосланган, ерли аҳоли анъаналарига мос келмайдиган иқтисодий сиёсат юргизишга, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга эришганлар.

#### Адабиётлар:

1. Қаранг: Султан-Галиев Мирсаид. Избранные труды. Казань: Издательство “Гасыр”, 1998.
2. Хайрутдинов Р.Г. на пуях к советской автономии. –Казань: издательство КГУ, 1972.
3. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т-2. –Т.: “Фан”.
4. Марказнинг “татар сафарбарлиги” бўйича бу кўрсатмаси ҳамма вақт ҳам бажарилавермаган. Айниқса, бу “кўрсатмалар”дан чекиниш, унга риоя қилмаслик ҳоллари Волгабўйидаги оммавий очарчилик йиллари (1921-1923) кўзга ташланади. – Р.Р.
5. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи.-Т.: “Университет”, -2005.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Фарғона вилояти бўлими (ЎзРПА ҳузуридаги ФВБ), 1-фонд, 1<sup>А</sup>рўйхат, 32-иш, 217-варақ ва орқаси
7. Аслида бу “тасаввур” ҳақиқатдан узоқ эди. Чунки Туркистон халқи ҳам 1917-1919 йиллари даҳшатли очарчиликни бошидан ўтказиб, тўла бўлмаган маълумотларга кўра, 1 млн, 1 млн 200 минг атрофида очликдан ўлганлар бор эди. Қаранг: Режаббоев Н. Совет ҳокимиятининг Туркистондаги озиқ-овқат сиёсати ва унинг оқибатлари(1917-1924 й.). Тарих фан. фалсафа докт. (PhD) дисс. автореферати, –Т., 2020.
8. Ўзбекистон Миллий Архиви Р-17 фонд, 1-рўйхат, 214-иш, 322-323-варақлар.
9. Ўзбекистон Миллий Архиви Р-17 фонд, 1-рўйхат, 930-иш, I том, 376-377 варақлар.
10. Мирсаид Султан-Галиев. Избранные труды. –Казань: Гасыр. 1998.
11. Нуриллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. –Ташкент: Фан, 1965.
12. Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шахид кетганлар. –Тошкент: Шарқ. 2001.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)